

«Бекободцемент» АЖ
Акциядорларнинг 2023 йил якунлари буйича навбатдаги
умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади

Хурматли акциядорлар!

«Бекободцемент» АЖ акциядорларининг Навбатдаги умумий йиғилиши 2024 йил 28 июн куни, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси 20 уй манзили бўйича ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9:00 дан 10:00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиғилиш бошланиши соат 10:00.

Жамият акциядорларининг иштирок этиш учун шакллантириладиган реестри санаси 24 июн 2024 йил.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишда кўрииб ўтиладиган ҳужжатлар билан қуйидаги адрес бўйича иш кунларида 9:00 дан 16:00 гача, акциядорларнинг Навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиш санасигача мурожаат қилиб танишиб ўтишлари мумкин: Тошкент вилояти Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси 20, 110503, e-mail: info@bekabad-cement.uz

Акциядорлар умумий йиғилишда масофадан иштирок этишлари ва овоз беришлари учун Evote.uz платформасидан фойдаланишлари мумкин.

Кун тартиби:

1. Умумий йиғилиш санок комиссиясини аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2024 молиявий йил бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларини уч йил муддатга сайлаш.
5. Жамиятнинг 2021, 2022, 2023 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш.
6. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш.